



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 2 » декабрь

№ 764

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(“Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2020 йил 13 августдаги ЎРҚ-632-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон қарори)

“Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2020 йил 13 августдаги ЎРҚ-632-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорлариغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти бошлиги М.А. Хайдиддинов ҳамда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 2 декабрдаги 764-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарорида:

1-банднинг бешинчи хатбошидаги “мехнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касбий малакасини тасдиқлаш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни аккредитациядан ўtkазиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ишчи органи вазифаларини бажариш” сўzlари чиқариб ташлансин;

а) 1-иловада:

номидаги “шахслар” сўзи “шахсларни” сўзи билан алмаштирилсин;

2-банднинг бешинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси (бўлинмалари)” сўzlари билан алмаштирилсин;

5-банд қуйидаги таҳxирда баён қилинсин:

“5. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва меҳнат миграцияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда Фуқароларни қўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси деб юритилади) депозит ҳисобрақамида базавий ҳисоблаш микдорининг саккиз минг беш юз баравари микдоридаги маблағларни ариза берувчининг шаклланган устав жамғармаси маблағлари ҳисобидан захирага кўйиш;

“Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган фаолиятнигина амалга ошириш;

штатда олий маълумотли раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида икки нафар ходимнинг мавжудлиги;

хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни лицензияловчи органнинг “labor-migration” ахборот тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказиш ва доимий равища янгилаб бориш;

хизматлар кўрсатиш тўғрисида бажарилган шартномаларга оид архив материалларини шакллантириш ва сақлаш;

хусусий бандлик агентлиги тўғрисидаги, шунингдек, унинг филиаллари ва (ёки) ваколатхоналари ҳақидаги маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида лицензияловчи органни етти иш куни ичida хабардор қилиши;

юридик шахс ходимлари лицензияловчи орган томонидан белгиланган тартибга мувофиқ уч йилда камида бир марта малака сертификатини олиш;

мазкур фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан ўзининг ёки ижарага олинган хонанинг бўлиши, тегишли моддий-техник базадан, бошқа техник воситалардан фойдаланиш.

Фуқароларни кўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси депозит ҳисобрақамида захирага кўйилган лицензиатнинг маблағлари ҳар чорақда қайта баҳолаш пайтида амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорига мутаносиб равища қайта ҳисоб-китоб қилиб борилади.

Агар қайта ҳисоб-китоб қилишдан кейин захирага кўйилган маблағлар суммаси амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг беш юз баравари миқдоридан камайиб қолса, лицензиат маблағларнинг етмаётган қисмини Фуқароларни кўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси депозит ҳисоб рақамига киритади, агар захирага кўйилган маблағлар суммаси амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг беш юз бараварига тенг суммадан кўпайиб қолса, Фуқароларни кўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларнинг ортиб кетган қисмини лицензиатга қайтаради”;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“7. Ариза берувчи лицензия олиш учун умумий фойдаланиладиган ахборот-коммуникация тармоқларидан, шу жумладан Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, лицензияловчи органга бевосита ёки почта алоқаси орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган қуйидаги ҳужжатларни (бир нусхада) электрон шаклда тақдим этади:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда ариза;

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали штатда олий маълумотли раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида икки нафар ходимнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар;

мазкур фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилганинги, шу жумладан ўзининг ёки ижарага олинган хонанинг борлигини, тегишли моддий-техник базадан, бошқа техник воситалардан фойдаланилишини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ариза берувчининг штатда олий маълумотли раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида икки нафар ходимнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлари ишчи орган томонидан “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали текширилади. Бунда ариза берувчининг штатда олий маълумотли раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида икки нафар ходимнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлари чоп этилади ва тегишли ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади”;

15-банднинг учинчи хатбошидаги “эллик минг АҚШ доллари” сўзлари “базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг беш юз баравари” сўзлари билан алмаштирилсин;

26-бандга қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида юридик шахс штатида олий маълумотли раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида икки нафар ходим тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаса”;

тўртинчи – бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи – олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

36-банддаги “ишчи” сўзи “лицензияловчи” сўзи билан алмаштирилсин;

40 ва 41-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“40. Лицензиатлар ишчи органга лицензияловчи органнинг сўровига қўра, лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган шакллар бўйича ўз фаолияти тўғрисида маълумот тақдим этади.

41. Лицензияловчи органнинг сўровига жавоб лицензиат томонидан сўровни олган кундан бошлаб бир ҳафта муддат ичida тақдим этилиши ва қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши (видео ва фотоматериаллар илова қилинган ҳолда) лозим:

хорижга ишга юборилган шахснинг паспорт маълумотлари;

хорижга ишга юборилган шахснинг иш жойи;

ходимнинг борган мамлакатидаги меҳнат ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлари;

иш ҳақини мунтазам тўлашни, меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларини ва борган мамлакатининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шарт-шароитларни таъминлашни назарда тутувчи тузилган меҳнат шартномалари;

хорижга ишга юборилган шахсларга ёзма шаклда берилган билдиришноманинг нусхаси;

хорижга ишга юборилган шахсларнинг меҳнат ва ижтимоий хукуқларини таъминлаш борасидаги муаммолар (агар мавжуд бўлса) (иш ҳақи тўлашни кечикириш, нокулай меҳнат ва яшаш шароитлари, иш жойи бўйича тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқалар) ҳамда уларни ҳал этиш бўйича лицензиат томонидан кўрилган чора-тадбирлар”;

42-банд чиқариб ташлансин;

43 ва 44-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“43. Лицензиат лицензия талаблари ва шартларига риоя этиш юзасидан назорат қилишда лицензияловчи орган ўз ваколати доирасида лицензиат фаолиятининг текширувларини (мoliaвий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) ўtkазиш ҳукуқига эга. Бунда текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўtkазиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилиш тартибида ўtkазилади.

Лицензиат фаолиятини текширишда лицензияловчи органинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида:

хусусий бандлик агентликларининг ҳудудлари ва биноларига монеликсиз кириш;

текширувга тааллуқли барча зарур ҳужжатлар билан танишиб чиқиш;

хусусий бандлик агентликларининг мансабдор шахсларидан текширув ўtkазиш чоғида аниқланган қоидабузарликлар фактлари юзасидан ёзма тушунтиришлар, шунингдек, ҳужжатларнинг зарур бўлган, тегишли равишда тасдиқланган кўчирма нусхаларини олиш;

текширувлар натижалари асосида далолатнома (маълумотномалар) тузиш, уларда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилган аниқ ҳолатларни кўрсатиш;

аниқланган қонунбузарликларни лицензиат томонидан бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, бундай қонунбузарликларни бартараф этиш учун етарли бўлган муддатларни белгилаш;

қонун ҳужжатлари бузилган ҳолатлар бўйича қарорлар қабул қилиш ва судга мурожаат қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензия олмай фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш бўйича фаолият олиб борилганлиги ва (ёки) фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш бўйича лицензия битимида назарда тутилмаган хизматлар кўрсатилгани тўғрисидаги материаллар ва маълумотларни ҳукуқни муҳофаза қилиш органларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш учун белгиланган тартибда юбориш;

зарурат бўлса, мигрантнинг меҳнат қилиш шароитлари ва ижтимоий ҳимояси тўғрисида ахборот олиш мақсадида унинг иш ва яшаш жойини бориб кўриш ҳукуқига эга.

44. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда икки нусхада далолатнома тузилиб, улардан бири лицензиатга берилади, иккинчи нусха ишчи органда қолади”;

куйидаги мазмундаги 50¹-банд қўшилсин:

“50¹. Юридик шахс лицензияловчи органга лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишдан олдин оммавий ахборот воситаларида камида бир ой олдин Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш фаолияти тўхтатилиши тўғрисида эълон беради.

Юридик шахс лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги аризага оммавий ахборот воситаларида чоп этилган эълоннинг нусхасини илова қиласди”;

54-банд қуйидаги таҳирда баён этилсин:

“54. Ишчи орган лицензияловчи органнинг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган реестрни юритади”;

Низомга 1-илованинг матни қуйидаги таҳирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш СХЕМАСИ



5-босқич	Лицензияловчи орган	Лицензиатлар жойлашган жой бўйича лицензияни бериш, бекор қилиш ёки тугатиш тўғрисидаги ахборотни давлат солиқ хизмати органларига хабар қиласди.	Тегишли қарор қабул қилинган кундан кейин уч кун ичидан
6-босқич	Талабгор	Фуқароларнинг хуқуқлари ва манфаатларини кўллаб-куватлаш ҳамда ҳимоя қилиш жамғармасининг депозит ҳисобида базавий ҳисоблаш миқдорининг 8500 баравари миқдорида захиралайди.	Қабул қилинган қарор тўғрисида хабар олинган кундан бошлаб уч кундан ошмай
7-босқич	Талабгор	1. Ўзбекистон Республикасида тўлов куни белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида йифим тўлаш. 2. Йифим тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни ва ўз томонидан имзоланган лицензия битимини ишчи органга тақдим этади.	Қабул қилинган қарор тўғрисида хабар олинган кундан бошлаб уч кундан ошмай
8-босқич	Лицензияловчи орган	Талабгорга лицензия берилади.	Йифим тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни ва ўз томонидан имзоланган лицензия битимини ишчи органга тақдим этилгандан кейин
9-босқич	Лицензиат	Лицензия талабига мувофик фаолият олиб боради	Доимий асосда „,

б) 2-иловада:

2-банднинг ўн биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси (бўлинмалари)” сўzlари билан алмаштирилсин;

46-банд қуйидаги таҳrirда баён қилинсин:

“46. Малакаси тасдиқланган шахслар миллий реестри ваколатли орган томонидан юритилиб, ваколатли органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади”;

54-банддаги “ишчи” сўзи “ваколатли” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 3-иловада:

4-бандга куйидаги мазмундаги иккинчи – тўртинчи хатбошилар қўшилсин:

“Уюшган ҳолда танлаш тартибида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тегишли лицензия асосида хорижий давлатга ишга юбориш фаолиятини олиб борувчи юридик шахс ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича намунавий шартномага биноан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузади.

Уюшган ҳолда танлаш тартибида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тегишли лицензия асосида хорижий давлатга ишга юбориш фаолиятини олиб борувчи юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартноманинг матни уюшган ҳолда танлаш тартибида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тегишли лицензия асосида хорижий давлатга ишга юбориш фаолиятини олиб борувчи юридик шахснинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Уюшган ҳолда танлаш тартибида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тегишли лицензия асосида хорижий давлатга ишга юбориш фаолиятини олиб борувчи юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномани тузмасдан, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиши тақиқланади;

иккинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

куйидаги мазмундаги 9¹-банд қўшилсин:

“9¹. Талабгор ходимлар ягона маълумотлар базасига киритилишидан олдин унга уюшган ҳолда танлаш тартибида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тегишли лицензия асосида хорижий давлатга ишга юбориш фаолиятини олиб борувчи юридик шахс томонидан ёзма шаклда билдиришнома берилади.

Билдиришномада уюшган ҳолда танлаш тартибида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тегишли лицензия асосида хорижий давлатга ишга юбориш фаолиятини олиб борувчи юридик шахс томонидан ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ ундирилмаслиги, шунингдек, шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, мурожаат қилиш учун хусусий бандлик агентлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг почта манзиллари ҳамда алоқа боғлаш учун телефон рақамлари кўрсатилади”;

15-банднинг учинчи хатбошидаги “1” рақами “2” рақами билан алмаштирилсин;

24-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар қўшилсин:

“Уюшган ҳолда танлаш тартибида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тегишли лицензия асосида хорижий давлатга ишга юбориш фаолиятини олиб борувчи юридик шахс ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шакл бўйича намунавий шартномага асосан талабгорга ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатади.

Ишга жойлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар асосида тақдим этиладиган ахборот ва маслаҳат хизматларининг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан ошмаслиги керак”;

25-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин*:

“25. Уюшган ҳолда меҳнат миграцияси йўли билан хорижга чиқиб кетаётган талабгорлар ишга юборилишидан олдин давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунарга ўқитилади, хорижий иш берувчининг малака талабларига жавоб берадиган талабгорлар бундан мустасно.

Юборувчи ташкилот талабгордан унинг малакасини ва чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи ҳужжатни сўраш ҳукуқига эга.

Агар талабгорнинг малакасини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаса, у давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунарга ўқитилади”;

29-бандда:

биринчи хатбошидаги “2” рақами “4” рақами билан алмаштирилсин;
қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Юборувчи ташкилот томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “labor-migration” ахборот тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказилади”;

30-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“30. Талабгордан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ ундириш тақиқланади (ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари бундан мустасно).

Талабгорни ишга жойлаштириш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади”;

37-банднинг биринчи хатбошидаги “3” рақами “5” рақами билан алмаштирилсин;

Низомга қуйидаги мазмундаги 1-илова қўшилсин:

“Хорижда вақтингалик мөхнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уюшган ҳолда олиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

**Уюшган ҳолда танлаш тартибида Ўзбекистон Республикаси
фуқароларини тегишли лицензия асосида хорижий давлатга ишга
юбориш фаолиятини олиб борувчи юридик шахсларнинг
Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган
шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи
ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисида
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

Ушбу шартнома Устав ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва мөхнат муносабатлари вазирлиги томонидан берилган 20_____ йил “_____” _____ даги _____-сон лицензия асосида фаолият юритувчи

(юридик шахс номи)

номидан унинг раҳбари _____
(Ф.И.О.)

(кейинги ўринларда Юборувчи ташкилот деб аталади) ва “_____”

(юридик шахс номи)

номидан унинг раҳбари _____,
(Ф.И.О.)

(кейинги ўринларда Қабул қилувчи ташкилот деб аталади), бундан буён Томонлар, қонунийлик тамоилиларига асосланган ҳолда Қабул қилувчи ташкилот ҳудудида вақтингалик мөхнат фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ижтимоий, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқларини кафолатлашга интилиб, уларни вақтингча мөхнат фаолиятига жалб қилиш ва уюшган ҳолда келган мөхнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш устуворлигини тан олган ҳолда қуидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1. Ушбу Шартнома уюшган ҳолда танлаш тартибида Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик қилиш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Ушбу Шартномада қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

танлаш ва жалб қилиш – вақтингалик мөхнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини танлаш орқали жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

вақтингалик мөхнат фаолияти – мөхнат мигрантларининг мөхнат шартномаси асосида Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат ҳудудида ушбу давлат қонун хужжатларида, шунингдек, мазкур Шартномада белгиланган тартиб ва шартларда ишлаши;

ишга қабул қилиш учун номзод – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи, 18 ёшга тўлган ва Қабул қилувчи ташкилот ҳудудига ишга жойлашиш учун Юборувчи ташкилотга мурожаат қилган шахс;

мехнат мигранти – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи, 18 ёшга тўлган, танловдан ўтган ва Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат ҳудудида қонуний равишда бўлиб турган ва шу ҳудудда вақтинчалик меҳнат фаолиятини тегишли рухсатнома асосида амалга оширувчи шахс;

мехнат фаолиятини амалга ошириш рухсатномаси – Қабул қилувчи ташкилот давлати қонунчилиги ва ушбу Шартноманинг қоидалари асосида тегишли ҳудуднинг ваколатли органи томонидан берилган, меҳнат мигрантларининг ушбу ҳудудда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

чет эллик иш берувчи – Қабул қилувчи ташкилот қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтган ҳамда Юборувчи ташкилот билан ҳамкорлик шартномасини тузган хорижий давлатнинг юридик ва жисмоний шахси, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркор;

чет эллик шерик – Қабул қилувчи ташкилот қонунчилигига мувофиқ иш билан таъминлаш хизматларини кўрсатиш ваколатига эга бўлган, Юборувчи ташкилот билан ҳамкорлик шартномасини тузган хорижий давлатнинг жисмоний ёки юридик шахси, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркор;

мехнат шартномаси – Қабул қилувчи ташкилот қонунчилигига белгиланган тартибда иш берувчи ва меҳнат мигранти ўртасида тузилган битим.

3. Қабул қилувчи ташкилот:

ишга қабул қилиш учун номзодларни _____
(касб ёки мутахассислик тури) бўйича _____ та бўш иш ўринларига танлаш ва жалб қилишни амалга оширади;

мехнат мигрантларининг меҳнатига касб ёки мутахассислик турига қараб _____ миқдорида ҳақ тўлайди;

ишга қабул қилиш учун номзод танишиб чиқиши учун меҳнат шартномасининг лойиҳасини тақдим этади;

Юборувчи ташкилотга ишга қабул қилиш учун номзодларнинг соғлиғига бўлган талаблар тўғрисида маълумот тақдим этади;

мехнат мигрантларининг соғлиғини муҳофаза қилишга доир ҳуқуқлари кафолатланишини таъминлайди;

мехнат мигрантларига ўзи жойлашган давлат ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш рухсатномасини расмийлаштиришда ва беришда ёрдам кўрсатади;

иш жойигача ва иш жойидан ташиш транспорт харажатларини тўлашни, шунингдек, тураг жой, овқатланиш ва Ўзбекистон фуқароларини иш билан таъминлаш учун бошқа харажатларни қоплашни таъминлайди;

Ўзи жойлашган давлат қонунчилигига мувофиқ меҳнат мигрантларининг меҳнат хавфсизлиги кафолатлари, шахсий хукуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, шунингдек, мол-мулки дахлсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўради;

ходимга иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлашни таъминлайди;

меҳнат мигрантлари, шу жумладан уларнинг иш ва яшаш жойлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда Юборувчи ташкилот томонидан яратилган электрон маълумотлар базасига киритади;

меҳнат мигрантлари билан меҳнат шартномаси тузилган кундан бошлаб беш кун ичида унинг нусхасини Юборувчи ташкилотга тақдим этади;

меҳнат мигрантларининг меҳнат шартномаси муддати тугагандан сўнг уларни Ўзбекистон Республикасига қайтишига ёрдам беради;

ишга қабул қилиш учун номзодларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш рухсатномаси берилмаган тақдирда, уларнинг Ўзбекистон Республикасига қайтишини таъминлайди;

меҳнат мигрантларининг иш ва яшаш жойларини талаб қилинадиган стандартларга ва санитария-гигиена нормаларига, хавфсиз меҳнат шароитларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ бўлишини таъминлайди.

4. Юборувчи ташкилот:

ишга қабул қилиш учун номзодларга танлаш ва жалб қилиш тартибида Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат ҳудудида ишлаш имконияти тўғрисида маълумот беради;

ишга қабул қилиш учун номзодлар орасидан талаб қилинадиган малакага ва иш стажига эга бўлганларини танлаб олади;

ишга қабул қилиш учун номзодларни Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт муассасаларида дастлабки тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этади;

ишга қабул қилиш учун номзодларни давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунарга ўқитилишини таъминлайди, уларни кетишдан олдин мослаштириш тадбирларидан ўтказади;

ишга қабул қилиш учун номзодларга Қабул қилувчи ташкилот берган меҳнат шартномаларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш учун тақдим этади;

танлаш ва жалб қилиш тартибида ишга қабул қилиш учун номзодларнинг иш жойига етиб боришини ташкил этади;

мехнат мигрантларининг яшаш ва иш шароитларини йилига камидан бир маротаба ўрганиб боради.

5. Танлаш тартибида мехнат мигрантларини вақтинчалик мехнат фаолиятини амалга ошириш учун жалб қилиш Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат қонун хужжатларига мувофиқ хорижий иш берувчи билан тузилган мехнат шартномаси асосида амалга оширилади.

6. Ишга қабул қилиш учун номзод Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлатига борганда, Қабул қилувчи ташкилотнинг айби билан бошқаларга хавф туғдирадиган юқумли касалликларга чалинган холларда Қабул қилувчи ташкилот унинг даволанишини таъминлайди.

7. Мехнат мигрантлари Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат қонунларига риоя қилишлари шарт.

8. Мехнат фаолияти даврида, иш ҳақи ва бошқа тўловлар мехнат шартномаси асосида мехнат мигранти ва хорижий иш берувчи ўртасида аниқ белгиланади. Мехнат мигрантининг иш ҳақи суммаси ходимларнинг тегишли тоифаси учун ишга жойлаштириладиган давлат фуқаролари учун қонун хужжатларида белгиланган иш ҳақидан кам бўлмаслиги лозим.

9. Ходимни иш вақтидан кейин ишга жалб қилишга йўқ қўйилмайди. Ходим ва иш берувчи ўртасида ходимнинг розилиги билан ўзаро битим тузилган ҳолат бундан мустасно.

10. Мехнат мигрантининг иш вақти давомийлиги Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат қонун хужжатларига мувофиқ “_____” соатни ташкил этади.

11. Мехнат мигрантлари Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат қонун хужжатлари ва мехнат шартномаси шартларига мувофиқ дам олиш ҳукуқига эга.

12. Мехнат мигрантлари хорижий иш берувчининг розилиги билан Ўзбекистон Республикасининг расмий таътил кунларида мехнат фаолиятидан озод қилиниши мумкин.

13. Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат ҳудудида мехнат мигрантларини тиббий таъминлаш ушбу давлат қонун хужжатлари ва Томонларнинг давлатлари иштирок этган халқаро шартномаларда белгиланган тартибида амалга оширилади.

14. Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат ҳудудида амал қилувчи сугурта ташкилоти билан мехнат мигранти ўртасида тузилган ихтиёрий тиббий сугурта шартномаси (полиси) мавжуд бўлиши мехнат мигрантлари томонидан ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тартибида вақтинчалик мехнат фаолиятини амалга оширишнинг асосий шарти ҳисобланади ҳамда мехнат мигрантига зарур барча тиббий хизматлар ҳақи ихтиёрий тиббий сугурта шартномаси (полиси) асосида қопланади.

15. Мехнат мигрантларининг даромадларига солиқ солиши Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат қонун хужжатларига ва Томонлар давлатлари иштирок этган солиқ солиши соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

16. Мехнат мигрантининг меҳнат фаолиятини амалга ошириш рухсатномасининг амал қилиш муддати тугаган ёки бекор қилинган тақдирда, Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат ҳудудидан чиқиб кетиши шарт, Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат қонунларида бошқача қоида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

17. Мехнат мигрантлари Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳукуқ ва мажбуриятларга ҳам эга.

18. Мехнат мигрантларининг Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат қонун хужжатларига ва Томонлар давлатлари иштирок этган халқаро шартномаларга мувофиқ ижтимоий суғурта, мажбурий тиббий суғурта ва пенсия олиш ҳукуқи кафолатланади.

19. Ишга қабул қилиш учун номзодни иш берувчи ишга қабул қилишини асоссиз рад этганида ва иш билан таъминланмаган тақдирда (уларга ишдан бўшатиш, меҳнат мажбуриятларини бажармаганлик, хорижий давлат ҳудудида бўлиш режимини бузиш ҳоллари бундан мустасно) меҳнат мигрантларини Ўзбекистон Республикасига қайтариш хорижий иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

20. Меҳнат мигранти ишидан маҳрум бўлган (ёки ишдан бўшатилган) тақдирда, ижтимоий ҳимоя қилиш (компенсация ва бошқа тўловлар) Қабул қилувчи ташкилот қонунчилигига мувофиқ хорижий иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

21. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида меҳнат мигранти вафот этган ёки соғлиғига шикаст етган тақдирда тегишли кафолатлар ва товон пуллари Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат қонун хужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

22. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки иш берувчининг айби билан касб касаллигига чалиниш оқибатида меҳнат мигранти вафот этган ёки соғлиғига шикаст етган тақдирда, иш берувчи меҳнат мигрантини Ўзбекистон Республикасига қайтариш ёки жасадни ташиш билан боғлик харажатларни қоплайди.

23. Меҳнат мигранти вафот этган тақдирда, иш берувчи ўлим ҳолати бўйича материалларни тақдим этган ҳолда, бу ҳақда Юборувчи ташкилотни дарҳол хабардор қиласи.

24. Ушбу Шартноманинг мақсадлари учун Томонлар Қабул қилувчи ташкилот жойлашган давлат ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишни режалаштирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун танлаш ва жалб қилиш тартибида қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тарзда, улар тўғрисида зарур бўлган маълумотларни жойлаштириш учун мавжуд бўлган ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

25. Қабул қилувчи ташкилот қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ишга қабул қилиш учун номзодларга қўйиладиган талабларни белгилаш;

ишга қабул қилиш учун номзодларнинг уларга қўйилган талабларга мослигини текшириш, шу жумладан улардан имтиҳонлар олиш;

мазкур шартнома Юборувчи ташкилот айби билан бекор қилиниши натижасида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ва маънавий зиён компенсация қилинишини талаб қилиш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда, тегишли тартибида Юборувчи ташкилот давлат органларига ёки ҳалқаро ташклотларга мурожаат қилиш.

26. Қабул қилувчи ташкилот қўйидаги мажбуриятларга эга:

мазкур шартнома шартларига риоя этилишини таъминлаш;

ўзаро келишув шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳақини Юборувчи ташкилотга ўз вақтида тўлаш;

Юборувчи ташкилотга ўз фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган ишончли ва тўлиқ маълумотларни тақдим этиш.

27. Юборувчи ташкилот қўйидаги ҳуқуқларга эга:

мазкур шартномага мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун Қабул қилувчи ташкилотдан ҳақ олиш;

ишга қабул қилиш учун номзодлардан, шунингдек, иш берувчилардан ишга жойлаштириш учун зарур бўладиган ҳужжатлар ва ахборотни сўраб олиш;

ишга қабул қилиш учун номзодлар ва хорижий иш берувчилар ишга жойлаштириш масалаларига доир ҳужжатларни ҳамда ахборотни тақдим этишдан бош тортган тақдирда, хизматлар кўрсатишни рад этиш.

28. Юборувчи ташкилот қўйидаги мажбуриятларга эга:

хизматлар кўрсатиш чоғида ишга қабул қилиш учун номзодлардан олинган ахборотнинг махфийлигини ва ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаш;

ишга қабул қилиш учун номзодларнинг Қабул қилувчи ташкилот томонидан қўйилган талабларга мослигини текшириш.

29. Ушбу Шартнома бўйича Томонлар мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Томонлар давлатларининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

30. Ушбу Шартномадан келиб чиқадиган барча тортишувлар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

Музокаралар давомида ҳал қилинмаган масалаларни Томонлар белгилаб, ёзма равишда юборадилар. Даъвони олган Томон даъво келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни ичидаги даъво юборган Томонга ёзма жавоб юборади.

Агар Томонлар бир қарорга келмаса, ушбу Шартнома билан боғлик барча низолар судда кўриб чиқиласди.

31. Томонларнинг ўзаро келишуви билан ушбу Шартномага ўзгартариш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бунда улар алоҳида шартномалар билан расмийлаштирилади ва Томонлар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, Томонлар имзоланганидан кейин кучга киради. Кўшимча Шартномалар ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

32. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

33. Ушбу Шартнома бир йил муддатга тузилади. Томонларнинг ҳар бири бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилиш орқали ушбу Шартномани бекор қилиши мумкин. Бундай ҳолатда, ушбу Шартнома бундай хабарнома олинган кундан бошлаб камида бир ой ўтгача бекор қилинади.

Ушбу Шартнома 2020 йил “_____” да _____ шахрида,
ҳар бири ўзбек/_____ тилида икки асл нусхада тузилди.

“_____”
(_____),
Манзил: _____
Тел.: _____
ИИН: _____
Факс: _____
Банк: _____
Эл.почта: _____
Раҳбар: _____

“_____”
(_____),
Манзил: _____
Тел.: _____
ИИН: _____
Факс: _____
Банк: _____
Эл.почта: _____
Раҳбар: _____”;
”,

Низомга 1-илованинг илова белгисидаги “1” рақами “2” рақами билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги 3-илова қўшилсин:

“Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уюшган ҳолда олиш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова

**Уюшган ҳолда танлаш тартибида Ўзбекистон Республикаси
фуқароларини тегишли лицензия асосида хорижий давлатга
ишга юбориши фаолиятини олиб борувчи юридик шахслар
томонидан ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат
хизматлари кўрсатиш тўғрисида
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

20 ____ йил “____” ____-сон _____ шахри (тумани)

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан берилган 20 ____ йил “____” ____-сон лицензия
ва Устав асосида фаолият юритувчи _____,
(юридик шахс номи)

номидан унинг раҳбари _____
(Ф.И.О.)

(кейинги ўринларда Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат
хизматлари кўрсатувчи ташкилот деб аталади), ва Ўзбекистон Республикаси
фуқароси _____
(Ф.И.О.)

(кейинги ўринларда Иш изловчи шахс деб аталади), (кейинги ўринларда
Томонлар деб аталади) ушбу шартномани қуидагича туздилар:

I. Шартнома предмети

1.1. Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари
кўрсатувчи ташкилот Иш изловчи шахсга мазкур Шартноманинг 1.2-бандида
кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Иш изловчи шахс эса ушбу
хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари
кўрсатувчи ташкилот мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган
муддатдан бошлаб у тугагунига қадар Иш изловчи шахсга қонун
хужжатларига мувофиқ ахборот ва маслаҳат хизматларини тақдим этиш
мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

20 ____ йил “____” ____ дан 20 ____ йил “____” ____ гача.

Хизмат кўрсатиш жараёнида Томонлар яна бошқа муддатларни ҳам
белгилашлари мумкин. Бунда ушбу муддат қўшимча ёзма келишувда
келтирилган ва асосий шартномага илова қилинган бўлиши лозим.

II. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

2.1. Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилот қўйидагиларга мажбур:

2.1.1. Иш изловчи шахсни ишлаш учун бормоқчи бўлган давлатдаги меҳнат муносабатлари ва хорижий фуқаролар мақомига оид қонунчилик, амалдаги божхона ва валюта тизимини тартибга солувчи қоидалар билан танишиши;

2.1.2. Иш изловчи шахс тўғрисидаги маълумотларни ошкор қиласлик ва улардан ғаразли мақсадларда фойдаланмаслик;

2.1.3. Иш изловчи шахсни иш берувчи томонидан таклиф қилинаётган бўш иш ўринлари ва улардаги меҳнат шароитлари, меҳнат шартномаси, шу жумладан уюшган ҳолда танлаш тартибида Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома билан танишиши;

2.1.4. Иш изловчи шахс томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида унинг таржимаи ҳолини тузиш;

2.1.5. Иш изловчи шахс томонидан ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришга киришиш.

2.2. Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилот қўйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2.1. “Тижорат сири тўғрисида”ги Қонунга асосан Иш изловчи шахс кўрсатилган хизматлар учун тўловни амалга оширгунча иш берувчи хақидаги маълумотни тақдим этмаслик;

2.2.2. Мазкур шартномага мувофиқ ишга жойлаштириш соҳасида тақдим этадиган ахборот ва маслаҳат хизматлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ҳақ олиш.

2.3. Иш изловчи шахс қўйидагиларга мажбур:

2.3.1. Ушбу шартнома шартларини бажарилишига тўлиқ амал қилиш;

2.3.2. Мазкур Шартнома асосида кўрсатилган ахборот ва маслаҳат хизмати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги тўловни амалга ошириш;

2.3.3. Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилотга ишончли ва тўлиқ ҳужжатларни тақдим қилиш.

2.4. Иш изловчи шахснинг ҳуқуқлари:

2.4.1. Шартномада назарда тутилган хизматлар кўрсатилиши жараёни хақида маълумот олиш;

2.4.2. Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилот ўз мажбуриятларини бажармаган ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатларда шартномани бекор қилишни талаб қилиш;

2.4.3. Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилот айби билан шартнома бузилган тақдирда етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун компенсация талаб қилиш;

2.4.4. Қонуний хуқуқ ва манфаатлари бузилган тақдирда, давлат органлари, истеъмолчилар хуқуқларини химоя қилиш ташкилотлари ва судга мурожаат қилиш.

III. Ҳисоб-китоблар миқдори ва тартиби

3.1. Ушбу шартномага мувофиқ ишга жойлаштириш соҳасида тақдим этиладиган ахборот ва маслаҳат хизматларининг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида бўлиб, _____
(сумма сон ва сўз билан)
сўмни ташкил этади.

3.2. Иш изловчи шахс Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим этилган ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўловни мазкур шартнома тузилиши билан амалга оширади.

IV. Низоларни ҳал этиш тартиби

4.1. Ушбу Шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажариш муносабати билан юзага келадиган ёки мазкур мажбуриятларни бажариш чоғида юзага келадиган барча низолар Томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

4.2. Томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш йўли билан низолар ҳал этилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ судда ҳал этилади.

V. Форс-мажор ҳолатлар

5.1. Томонлар мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолат енгиги бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга орқага сурилади.

VI. Якунловчи қоидалар

6.1. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга.

Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

6.2. Томонлар розилиги билан шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.3. Шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилади ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

VII. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

“Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилот”

“Иш изовчи шахс”

”

Низомга 2-иловада:

илова белгисидаги “2” рақами “4” рақами билан алмаштирилсин;

3.1-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“3.1. Ушбу шартномага мувофиқ кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади”;

3.2-банд чиқариб ташлансин;

6.2-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

Низомга 3-илованинг илова белгисидаги “3” рақами “5” рақами билан алмаштирилсин;

г) 4-иловада:

10-банднинг бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

11-бандда:

ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн иккинчи – ўн саккизинчи хатбошилар тегишли равишда ўн биринчи – ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

куйидаги мазмундаги ўн саккизинчи хатбоши қўшилсин:

“Агентликнинг худудий филиалларига меҳнат миграцияси масалалари бўйича методик ёрдам кўрсатади, хорижий меҳнат бозори ҳамда салоҳиятли иш берувчилар тўғрисида маълумот беради, ходимларини рағбатлантиради ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашади”;

д) 5-иловада:

4-банднинг учинчи хатбошидаги “эллик минг АҚШ доллари” сўzlари “базавий ҳисоблаш микдорининг саккиз минг беш юз баравари” сўzlари билан алмаштирилсин;

Низомга иловадаги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларининг тасдиқланган йўналишларга мувофиқ сарфланишини ташкил этиш схемасининг 1-позицияси қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“ Т/р	Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишлари	Харажатларни тўлаш учун талаб этиладиган хужжатлар	Назарда тутиладиган чоралар	Молиялаш- тириш лимити**
1.	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонликка, мажбурий меҳнатга дучор бўлган ва камситилган, меҳнат ва бошқа хуқуqlари бузилган, мураккаб молиявий аҳволда қолган ва шахсини тасдиқловчи хужжатларсиз, яшаш учун маблағсиз қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ёрдам бериш	<p>1. Хукуқий ва ижтимоий ҳимоя, моддий ёрдам сўраб Ташки мөхнат миграцияси агентлигининг (Агентлик) ваколатхонасига ариза.</p> <p>2. Ариза берувчининг шахсини тасдиқловчи хужжатлар (хужжатлар йўқолган ҳоллар бундан мустасно).</p> <p>3. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги тасдиқловчи хужжатлар (меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома, хорижий давлатга иш фаолиятини амалга ошириш учун кириб келганлигини тасдиқловчи хужжат, меҳнат шартномаси ёки меҳнат соҳасидаги назорат бўйича ваколатли орган маълумотномаси).</p> <p>4. Мурожаат қилган шахс хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонликка, мажбурий меҳнатга дучор бўлгани ва камситилгани, меҳнат ва бошқа хуқуqlари бузилгани, мураккаб молиявий аҳволда қолгани ва шахсини тасдиқловчи хужжатларсиз, яшаш учун маблағсиз қолгани тўғрисида ишга жойлаштирилган мамлакат суди ёки хукуқни муҳофаза қилиш органлари, ваколатли халқаро ташкилотлар тасдиқномаси (агар мавжуд бўлса).</p>	<p>1. Мурожаат қилганларни ҳимоя қилиш мақсадида адвокатнинг, юридик хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг ёки хукуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг хизматларига ҳақ тўлаш;</p> <p>2. Хостеллар ва суткалик меҳмонхоналар томонидан кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш (маблағсиз ва яшаш жойисиз қолган фуқаролар учун);</p> <p>3. Мурожаат қилган фуқароларни хукуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича ишга жойлаштириладиган мамлакатнинг ваколатли органларига мурожаатлар юбориш;</p> <p>4. Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун авиа (экономкласс) ва темир йўл (плацкарт вагонлар) чипталари ҳақини тўлаш;</p> <p>5. Хорижий иш берувчиларда мавжуд бўлган бўш иш ўринларини таклиф қилиш.</p> <p>6. Бир марталик моддий ёрдам тўлаш.</p>	<p>3 минг АҚШ долларигача</p> <p>0,3 минг АҚШ долларигача</p> <p>—</p> <p>Транспорт компаниялари нархларига мувофиқ</p> <p>—</p> <p>Базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида „.</p>

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарорига 6-илованинг 9-бандида:

“б” кичик банднинг тўртинчи – ўн саккизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

“д” кичик бандда:

олтинчи хатбошидаги “1 ва” сўzlари чиқариб ташлансин;

Низомга киритилган ўзгартиришнинг иловасидаги 1-позиция чиқариб ташлансин.

**) Мазкур ўзгартириши 2021 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.*

